



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026



**БОБУРНОМАДА ХҲЖАНД ҲАҚИДАГИ ҚАЙДЛАР
(Проф.Э.Шодиев маъруза матнлари асосида)**

**ACCOUNTS OF KHUJAND IN THE *BABURNAMA*:
(a study based on the lecture materials of professor E. Shodiev)**

Абдуназар Раҳмонқулов

“Академик Б.Ғафуров номидаги ДТМ

Хўжанд давлат университети ўзбек филологияси

факультети ўзбек тили ва унинг таълими кафедраси дотсенти.

DOI: 10.52773/tsuull.conf.2026./XJEC2010

Аннотатсия. *Мақолада Мирзо Бобур ҳаёти ва фаолиятдан айрим лавҳа, авлод – аждодлари, адабий мероси ҳақида сўз боради. “Бобурнома” асарида Тоҷикистон диёри, хусусан, қадимий Хўжанд шаҳри ҳақида Бобур ёзиб қолдирган қайдлар келтирилади. Буюк шарқшунослар Ҳ.Ҳамбери, А.Бартольднинг “Бобурнома”га берган баҳолари қайд этилади. Шоирнинг “Ҳинд девони” ҳақида маълумотлар ва айрим шеърини сатрлар талқин этилган.*

Калим сўзлар: *Шарқ қайсар, рубоий, Бобурушунослик, тарихий тасвир, туркий проза, шарқшунослар, “Маҳрами асрор”.*

Annotation. *This article examines several aspects of the life and work of Mirzo Babur, his descendants, and his literary legacy. The work “Baburnoma” contains Babur's notes on the land of Tajikistan, particularly the ancient city of Khujand. The article presents assessments of the Baburnama by the great orientologists H. Hambury and A. Barthold. Information about the poet's “Indian Divan” and some of his poetry are interpreted.*

Keywords: *Qaysari of the East, rubai, studies of Babur's work, historical image, Turkish prose, orientologists, “Mahrami Asror”*

“Бобурнома” туркий прозанинг энг яхши намунаси
Академик Бартольд

Профессор Э.Шодиев ҳам буюк Навоийшунос ҳам таниқли “Бобурушунос” ҳамдир. Домланинг Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд Давлат университети 70 йиллигига бағишлаб нашр эттирган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” деб номланган лексия матнлари (Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, Хўжанд -2001) (98 саҳифа) кўпгина қимматли маълумотлар берилган. Унда Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, Бобурушунослик тарихи, Бобур авлодлари, адабий ва илмий фаолияти : Бобур девонлари, “Мубайин”, “Бобурнома”, “Рисолаи аруз”, “Рисолаи муаммо”, “Волидия”, “Хати Бобурий”, “Бобур мактублари”, Музика ва ҳарбий илмга оид асарлари, Бобур лирикаси, Бобур ва тожик адабиёти,



Бобурнинг форс-тожик тилидаги шеърлари, “Бобурнома”нинг форсий таржималари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ана шу манба асосида бу мақолада Бобурнинг Хужанд ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашамиз.

“Бобурнома”да Тожикистон диёрининг жуда кўп жойлари, айниқса, Шимолий Тожикистоннинг Ворух, Жигдалик, Исфара, Конибодом, Мастчоҳ, Хўжанд, Қўштегирмон, Ўратеппа каби мавзелари ҳақида маълумотлар топиш мумкин.

Биргина Хўжанд ҳақида “Бобурнома”нинг 1960 йилги нашрининг 62, 65, 73, 75, 76, 89, 90, 112, 113, 117, 118, 119, 129, 132, 153, 154 саҳифаларида маълумот берилган, кўриниб турибдики, асарда қарийб 20 ўринда бу шаҳар тилга олиб ўтилган.

Асарнинг “Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил воқеалари” бўлимида Хўжанд ҳақида қуйидаги маълумотлар берилади: “Яна бир Хўжанддир. Андижондин ғарб сориға йигирма йиғоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур. Шайх Муслиҳиддин ва Хожа Камол Хўжанддиндурлар.

Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур. Анори яхшилиққа машҳурдир. Нечунким “Себи Самарқанд” дерлар “Анори Хўжанд” дерлар. Вале бу тарихда Марғинон анори кўп ортиқдур.

Қўрғони баланд ерда воқи бўлубдур. Сайхун суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай. Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушибдур. Мунуғул (Мевағул) отлуғ, дерларким бу тоғда феруза кони ва баъзи конлар топилур. Бу тоғда бисёр йилон бор.

Хўжанднинг овлоғи ва қушлоғи бисёр яхшидур. Оқ кийик, бўғумарал, қирғовул ва товушқони кўп бўлур. Ҳавоси кўп мутааффиндур, кузлар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чумчуқ безгак бўлғондур. Дерларким ҳавосининг тааффуни шимолдаги тоғ жихатидиндур”

Шодиев домламит кайд этишларича Бобур 1499 йилда, 16 ёшида Хўжанд шаҳрида эканида амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг ёшлиқда ўзига унаштириб қўйилган қизи Ойша Султонбегимга уйланади. Бобурнинг қизи Гулбадан Бегим ўзининг “Хумоюннома” асарида Бобурнинг кейинги оилалари ва фарзандлари тўғрисида маълумот беради: “Подшоҳ ҳазратлари 23 ёшда эдилар ва ҳеч фарзандлари йўқ эди... кейинчалик 18 фарзанд бўлди.

Профессор Э.Шодиев таъкидлашича “Бобурнома”дан жаҳоннинг кўп мамлакатлари олимлари ўрганишди, ундан баҳраманд бўлишиб ўз асарларида фойдаланишди. Ҳерман Вамбери ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарини яратишда “Бобурнома”дан фойдаланган. Шунинг учун ҳам ўз асарининг бир неча ўринларида Бобур номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб, унга жуда юксак баҳо берди: “Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур Мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шаҳзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда шарку



ғарбнинг энг шарафли шахзодаларидан бири деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади” деган гапларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ҳинд олимлари Н.К. Синх ва А.У.Банержи “Бобурнома” ҳақида ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этган эди: “Унинг услуби содда ва назмкор, шу билан жонли ва ширали. Бобур ватандошлари ва замондошлари таржимайи ҳолини, маънавий қиёфасини, урф-одатини, орзу-истакларини ҳамда ишларини худди кузгу каби акс эттиради. Бу хусусда у Осиёдаги ҳақиқий тарихий тасвирнинг яккаю ягона намунасидир.” Академик Бартольд “Бобурнома”ни туркий прозанинг энг яхши намунаси деб баҳолаган эди.

Тожик адабиётшунос олими А.М.Мирзаев ўзининг “Биной” монографиясида Бинойнинг тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган талантли шоирлардан бири бўлганини таъкидлайди. Ва ушбу фикрини далиллаш учун “Бобурнома” дан Бинойнинг қуйидаги тўртлигини келтиради.

Мирзомки , шаҳи баҳру бар бўлғусидир.

Оламда хунар бирли сар бўлғусидир.

Бир муҳмал учун бунча иноят бўлди.

Мустаъмал агар десам, нелар бўғусидир.

Бу рубойи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурида унинг қуйидаги рубойисига жавоб тарзида яратилган эди :

Ишлар бари кўнгулдагидек бўлғусидир,

Инъому вазифа буйрулғусидир,

Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим

Муҳмалга бўю ғалладин ўй тўлғусидир.

Устоз Шодиевнинг яна муҳим қайдлардан бири “Ҳинд девони” ҳақидаги маълумотлардир : ... фанда “Ҳинд девони” деб аталган девон уч тилда : ўзбекча, форсча ва урдуча шеърлардан ташкил топган бўлиб, бу девоннинг факсимел нусхаси 1966 йилда Тошкентда “Фан” нашриёти томонидан нашр этилган. Бу девоннинг катта бир қисми автограф деб тахмин қилинади. Девон охирида 935 йилнинг раби-ул-охир ойининг 15 ида душанба куни (1528, 28 декабр) Бобур ёзди деган ишора бор . Бу ҳолат мазкур девон шоир ҳаётлигида тартиб берилганлигини кўрсатиб туради.

“Ҳинд девони”нинг охириги варағида Бобур ўз қўли билан қуйидаги байтни ёзиб қолдирган :

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзимни,

Сўзимни ўқиб, соғинғасен ўзимни.

Шу варақ ҳошиясида шоирнинг эвараси Шоҳ Жаҳон (1627-1658) қуйидаги сўзларни ўз қўли билан ёзиб қолдирган:

“Ин рубоии туркӣ ва исми мубораки ба таҳқиқи хати аъло ҳазрати Фирдавсмалкон Бобур подшоҳ анораллоҳу бурҳона аст. Ҳарра Шоҳ Жаҳон бин Жаҳонгир подшоҳ, бин Акбар подшоҳ, бин Ҳумоюн подшоҳ, бин Бобур подшоҳ”. Мазмуни : “Бу туркий рубойи ҳақиқатда ҳам аълоҳазрат Бобур



подшоҳ Ғозийнинг (Оллоҳ ун ёрлақасин ва жойи жаннатда бўлсин) ўз кўли билан ёзилган. Буни Шоҳ Жаҳон бин Жаҳонгир подшоҳ, бин Акбар подшоҳ, бин Хумоюн подшоҳ, бин Бобур подшоҳ ёзди.

Бобурнинг фарзандлари ҳам ўзи сингари олим ва шоир эдилар. Акбаршоҳ ўғли Жаҳонгир тасвирий санъат шайдоси бўлган, шоирликдан ҳам хабардор бўлган. Ўзининг ҳукмронлик йиллари воқеаларини қамраб олган “Жаҳонгирнома” номли тарихий-мемуар асар яратган. Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик даври Ҳиндистонда меъморчиликнинг ривожланиши билан характерлидир. Ер юзидаги етти мўъжизанинг бири “Тож Маҳал” биноси ҳам ана шу ҳукмдорнинг хоҳиши ва фармойиши билан бунёд этилган

Шу ўринда шоирнинг адабий бадий меъросига бир оз тўхталсак. Бобурнинг 200га яқин ғазаллари ва шунча рубойси (17 та рубой тарона шаклида) етиб келган. Бобур гоҳо ўз даврдан, беҳаловат тақдирдан, ҳаётнинг нотекислигидан фарёд чекиб ёзган рубойларидан бирида катта шеърый маҳорат билан радифни такрорлаш санъати асосида ва кам учровчи қофияси бошда келувчи бир рубой ёзган. Унда у ўзига хитоб қилиб ёзади:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сариштаи айшдин кўнгулни зинҳор -
Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бобур - йирик санъаткор. У турли туман шеърый ва лафзий санъатлардан бадийликка эришишда, тасвирнинг жонли бўлишини таъминлашда усталик билан кенг фойдаланди. У инсон қалбидаги ҳаяжон ва қувончларни, изтироб ва орзуларни бутун кўлами ва нозикликлари билан ҳис қилади.

“Топмадим” радифли ғазал шоирнинг илк шеърларидан бири бўлиб, Бобур ушбу ғазални яратганда 19 ёшда эди. Шоир “Бобурнома” асарида бу ғазални тугалланган шаклдаги биринчи ўзбекча ғазали деб кўрсатади. Проф. Шодиев таъкидлашича бу ғазал Бобурнинг илк машқларидан бири. Аммо шу биргина ғазал энг тажрибали шоирларнинг бўлуғ шеърлари билан беллаша оладиган ғазал. Биринчидан у содда ва ёрқин тил билан битилган. Иккинчидан, лирик қаҳрамоннинг ёлғизланиш ҳолатидаги ички мунглик сўздан-сўзга, сатрдан-сатрга фақат фикрмас оҳанг зарби ва қайғу оҳанглирида ривож топтирилган. Учинчидан унда тасвир малакаси юқори. Ғазалда иккита бош сўз бор. Бири - жон, иккинчиси - кўнгул. Булар шунчаки сўз эмас. Балки шахслантирилган мавҳумдир. Шунинг учун жон - “ёри вафодор”, кўнгул - “маҳрами асрор”, энг яқин сирдош. Лирик қаҳрамон шулардан яқин, шулардан ўзга уни тушунадиганни топмаган. Шеърда айтилмаган, бироқ тасаввур қилиш мумкин бўлган қайғу ва алам кўп. Улар сатрлар ортида яширинган бўлиб, шахс ва муҳит, меҳр ва толейсизлик ҳақида ўйга чўмдиради.



Бобур инсон ва унинг гўзаллигини, севги-садоқатини, вафо , дўстлик каби инсоний фазилатларни улуғловчи, эзгу интилишлар ва орзуларни тарғиб қилувчи гўзал асарлари билан она юртга муҳаббат, ватанпарварлик ва ҳаётсеварлик ғоялари билан ўқувчига завқ-шавқ бахш этувчи юксак бадий санъаткорлиги билан адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олган. У инсонларга қарата дейди :

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар эл аро қолди фалондин яхшилиғ.

Адабиётлар:

1. Бобурнома. - Тошкент : ЎзФА нашриёти, 1960
2. Шодиев Э. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Лекциялар матни) . Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти . Хўжанд - 2001
3. Шодиев Э. Навоийнинг тожик адабиётига муносабати масаласига доир. Ленинобод, 1964
4. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон кезади. Тошкент, 1984
5. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик, III-жилд, Тошкент, 1978